



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 14-iyul, chorshanba, 79 (23.515)-son

Кун ҳикмати

Бировлардан
кам бўлганингиз
учун бировлар
айбдор эмас.
Улардай бўлиш
учун улардай
яшаш лозим

www.zarnews.uz

<https://www.facebook.com/zarnews.uz>

[@zarnews_uz](https://t.me/zarnews_uz)

https://twitter.com/zarnews_uz

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ҚУРБОН ХАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва ўзаро ҳамжихатлик каби фазилатларни қарор топтиришдаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кuni **20 июль – сешанбага** тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инobatга олиб, мамлакатимизда 2021 йил **20 июль кuni** Қурбон ҳайити байрами этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ–6122-сон Фармониغا ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ПФ–6222-сон Фармони билан 2021 йил **21–22 июль кунлари ҳам дам олиш кунлари** сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон ҳайитини **қарантин талабларига амал қилган ҳолда** халқимизнинг миллий ва диний аъназаларига мос равишда оила даврасида ўтказиш афзаллиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан bogʻлиқ тадбирларни ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 июль

Давлат сири бўлмаган барча маълумот оммага ошкор қилинади

Ўтган ойда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони имзоланди.

Ҳужжат билан барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган ҳўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари томонидан Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати тасдиқланди.

Эндиликда, давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили 10 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар беради. 1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказади.

ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР ПОРТАЛИДА ЖОЙЛАШТИРИЛИШ ШАРТ

Жорий йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталига ва ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилab боради:

мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кўтиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан bogʻлиқ харажатлар, бундан давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (якуний манфаатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар;

ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси, шу жумладан, объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автоматотранспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари.

ВЕБ-САЙТГА МАЖБУРИЙ ҚЎЙИЛАДИ

Давлат органлари ва ташкилотлари жорий йил 1 июлдан бошлаб ўз ҳузурида фаолият юритувчи жамоатчилик кенгашлари билан биргаликда расмий веб-сайтларида қуйидаги маълумотларни жойлаштириб, уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлайди:

жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари

ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);

жамоатчилик кенгашининг ййгилишлари ва кун тартибдаги масалалар;

давлат харидларини амалга оширувчи комиссиянинг тасдиқланган аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими);

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган органларнинг ҳудудлар кесимида масъул ходимлари, шу жумладан ушбу тоифадаги ҳужжатларни беришни ташкиллаштирадиган тегишли комиссия аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими).

ИЖТМОЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАЪЛУМОТДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚУЛАЙ БўЛАДИ

Ҳар йили 1 мартга қадар давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятига оид ҳисоботини (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтига жойлаштириши шарт.

Расмий веб-сайтларда шунингдек, давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар (харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин) кўрсатилиши керак.

Бундан ташқари, давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор, харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими) эълон қилинади.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ НЕЧТА ХИЗМАТ УЙИ БОР?

Президент фармонида бу маълумот очик маълумотлар портали, расмий веб-сайтда жойлаштирилиши шартлиги белгиланган. Давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, ушбу корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар тасарруфидagi енгил автомобиллар ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар ҳам шу тоифада кўзда тутилган.

Тасарруфидagi хизмат автоматотранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларни туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳам

расмий веб-сайтига жойлаштириши шарт.

Энди, маҳаллий бюджетларнинг ҳар чорак якунида шакллантириладиган даромадлар ва харажатлар сметаси, режадан ортириб бажарилган қисми ва мазкур маблағлар йўналтирилган мақсадлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам расмий веб-сайтлардан акс этиши зарур.

ИМТИҲОНЛАР ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА ЖОНЛИ ЭФИРГА УЗАТИЛАДИ

Бу амалиёт ОТМларнинг бакалавриат таълим йўналишларига кириш учун тест ва ижодий синовлар, магистратура босқичига қабул имтиҳонлари ҳамда республикадаги ёки хориждаги ОТМдан республикадаги давлат ОТМга ўқишни кўчириш истагини билдирган талабалардан олинadиган имтиҳонларда қўлланилади.

Шунингдек, хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишда талабгорлардан олинadиган тест синовлари ҳам интернет тармоғида жонли эфирга узатилади.

Тарафларнинг розилиги билан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамоат тартибига тажовуз қилувчи, аҳоли соғлигини сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги, шу жумладан, давлат хизматчиларининг касбий фаолияти билан bogʻлиқ ҳуқуқбузарликларга оид ишлар, шунингдек, айрим оилавий низоларга оид фуқаролик ишлар бўйича суд мажлислари (ёпиқ суд мажлисларини бундан мустасно)да ушбу амалиёт қўлланилади.

ОЧИҚЛИК РЕЙТИНГИ ЮРИТИЛАДИ

2021 йил 1 декабрдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиялари телеканаллар, Интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилади.

Шунингдек, ҳар йил якунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг Очиклик индекси аниқланади.

ЖАВОБГАРЛИК МЕХАНИЗМИ БўЛАДИ

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланган.

Бироқ бу қонунбузарлик учун жавобгарликнинг ҳуқуқий механизм йўқ. Шу сабабли Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик киритилади.

Индаллосини айтганда...

Бугун жамиятимизга энг кўп зарар етказадиган таҳдид – бу миллионлаб ахборотлар уммонида билим савияси ноқор, турли маълумотларни таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлмаган айрим ёшларда шакллanaётган технократик маданиятдир. Фикримизча, технократик маданият фақат техник воситаларинигина тан олиш, уларга онгли равишда англамаган ҳолда мослашув, пировард натижада ижтимоий тармоқлар, интернет тизимига тобелиқдан иборатдир.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Суд жараёнларини ОАВда қандай ёритиш керак?

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида судлар фаолиятини ёритиш масалалари бўйича журналист ва блогерлар учун ўқув семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг матбуот котиби А.Абидов, вилоят суди раиси О.Ҳайитов кейинги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар жараёнида суд органларининг жамоатчилик билан aloқаларини мустаҳкамлашга aloҳида эътибор қаратилганини таъкидлади. Жумладан, соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши ва судлар фаолияти юзасидан доимий равишда матбуот анжуманлари ва брифинглар, очик мулоқотлар ташкил этилмокда. Судлар фаолияти юзасидан ахборот олиш ва тарқатишда судларда янги ташкил этилган жамоатчилик ва оммавий ахборот воси-

талари билан aloқалар бўлимининг аҳамияти катта бўлмокда. Аммо барибир хали-ҳануз суд жараёнлари билан bogʻлиқ материалларда қонунчиликка зид ҳолатлар, суд мажлисларини ёритишда камчиликлар кўзга ташланмокда. Шундан келиб чиқиб, семинар тренингда Олий суд пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳиятига aloҳида эътибор қаратилди. Мазкур қарорда белгиланган қоида ва тартиблар батафсил тушунтирилди.

– Ушбу ҳужжатда ОАВ вакиллари ва жамо-



атчиликнинг суд мажлисларида иштирок этиш қоидалари аниқ белгилab қўйилган, – деди А.Абидов. – Суд руҳсати ва томонлар фикри инobatга олинган ҳолда суд мажлисини фототасвирга тушириш, видеоёзувни амалга ошириш тартибига ҳам аниқлик киритилди. Эндиликда очик кўрилаётган суд ишига процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар, шу жумладан ОАВ вакилларига ҳам суд мажлисида қатнашиш имконияти яратилди. Қонунда кўрсатилмаган ҳолатларда эса матбуот ходимларининг суд мажлисига киритилмаслигига йўл қўйилмайд.

Тренинг давомида суд органларининг ОАВ ва жамоатчилик билан мулоқот олиб боришнинг ҳуқуқий асослари, ахборот тарқатишда

шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳамда жавобгарлик масалалари, суд ишларига доир материалларни тайёрлашнинг муҳим жиҳатлари тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти Беруний Алимов суд ишларини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ўзига хос томонлари, бу борадаги миллий тажриба ва халқаро амалиёт ҳақида сўз юритди. Шунингдек, гуруҳларга бўлинган ҳолда резонанс суд ишини ёритиш бўйича симуляцион ўйин ва ток-шоу ташкиллаштирилди.

Тадбир якунида вилоят суди вакиллари ҳамда журналист ва блогерлар мулоқот қилиб, ўзаро фикр алмашди.

УЙИ БОРНИНГ – ЎЙИ ЙЎҚ

2021 йилда вилоятда янги тартиб асосида **2544** та хонадонли **60** та кўп қаватли уй-жой қурилмокда.

1880 та хонадон субсидия асосида (шаҳарда 980 та, қишлоқларда 900 та) ажратилади.

Ҳозиргача **1805** та хонадон бўйича комиссия томонидан ижобий ҳулосалар берилди.

1472 нафар фуқародан жами **21,9** миллиард сўм бошланғич бадал тўлови қабул қилинди.

“Қишлоқ қурилиш инвест” томонидан **900** хонадонли **45** та кўп қаватли уй-жой бунёд этилмокда.

Бугунгача **797** хонадон учун **14,2** миллиард сўм бошланғич бадал амалга оширилган. **103** та хонадон учун хотин-қизлар жамғармасидан маблағ ажратилади.

Ерларнинг иқтисодий қиймати белгиланиб,

эркин муомалага чиқарилади

Бу амалиёт давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 8 июнда қабул қилган “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониға асосан жорий қилинмоқда.

Фармонға кўра, ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулккий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулккий ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқий муомаласининг объекти сифатида эркин муомалага киритилади.

Яъни 2021 йил 1 августдан ҳокимликларнинг ерга оид қуйидаги ваколатлари бекор қилинади:

- ерни тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишға бериш, захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилиш;
- туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан ерга бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш;
- сугориладиган ерларни сугорилмайдиган ерлар тоифасига ёки бошқа ер тоифасига, сугорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа ер тоифасига ўтказиш;
- жамоа боғдорчилиги, ўзумчилиги ва полизчилиги ҳамда ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш;
- хусусийлаштириладиган ерга нисбатан инвестиция мажбуриятлари ёки хусусий мулкни эркин тасарруф этишни чеклайдиган бошқа мажбуриятларни белгилаш;
- қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқача тартибда ер участкаларини ажратишни назарда тутувчи барча тартиблар, имтиёз ва истиснолар тўлиқ бекор қилинади.

Давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш ёки бошқача тарзда имтиёз ва истиснолар белгилаш ташаббуси билан чиқиш тақиқланади. Бундан ташқари, 2021 йил 1 августдан ер участкалари хусусий секторға – мулк ва ижара ҳуқуқи асосида (электрон онлайн-аукцион орқали), давлат ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилинади. Бунда илгари ажратилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар сақланиб қолади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар очиқ электрон танлов орқали фақат ижара ҳуқуқи асосида, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида (барча ҳолларда ер участкалари фақат бўш турган ва захираға олинган ерлардан) ажратилади.



Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ва ижтимоий лойиҳаларини амалға оширишда ер участкалари давлат ташкилотига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади. Ушбу ерлар хусусий шерик, нодавлат но-тижорат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ижараға берилиши мумкин.

Кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси мулкдорларға умумий фойдаланиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 августдан фақат қуйидаги ҳолларда ер участкаларини тўғридан-тўғри ижараға беришға ҳақли:

- давлат илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига
- Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг таклифига асосан;
- агросаноат кластерларига – ер участкаси норматив қийматининг икки баравари миқдоридида пул маблағи депозитға қўйилганда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимининг таклифига асосан;
- энг яхши таклифни танлаш орқали аниқланадиган, қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида (ер майдони ҳажмиға кўра ортиб боради) бўлган йирик инвестиция лойиҳасини амалға ошириш учун – лойиҳа қийматининг камида 10 фоизига тенг маблағ аввалдан махсус ҳисоб рақамға жойлаштирилганда;
- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарға, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларға, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларға – ижараға олиш ҳуқуқини олганлик учун бозор қийматида ҳақ тўлаган ҳолда (халқаро бирлашмалар ва ташкилотлардан ташқари).

Фармонға асосан “Ер тўғрисида”ги қонунбузилиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишға қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва жойларда ҳудудий кенгашлар (ишчи орган – прокуратура) ташкил этилди.

Ердан мақсадсиз фойдаланишни аниқлаганда ушбу ерга бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судға муурожаат қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ер тоифасидан қатъий назар барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларға бўлган ҳуқуқларни ҳамда ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва чора кўришнинг ҳуқуқий ва шаффоф механизмининг яратилиши ҳалқимизнинг умумий бойлиги бўлган ердан оқилона фойдаланиш имкониятини яратиб бермоқда.

Баҳодир ҚАРШИЕВ,
вилоят ҳокимлиги юридик хизмат бош юрисконсульти.

БУ – ФАКТ!

Вилоятимизда ташкилий ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлари (2021 йил 1 июль ҳолатига) 23 минг 216 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда 4 949 тага ёки 27,1 фоизга ошган.

Фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамиятлари сони 22 минг 246 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давриға нисбатан 4 965 тага ёки 34,3 фоизға кўпайган.

СОЛИҚЧИ – ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ

Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари “Family park” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди. Ушбу корхонаға “Солиқчи – тадбиркорға кўмакчи” тамойили асосида асосий воситалар импорти ва курилиш учун ишлатилган махсулотлар ҳисобидан пайдо бўлган 5 миллиард 850 миллион сўмлик манфий кўшилган қиймат солиғи суммаси корхонаға қайтарилди. Корхона ихтиёрида қолган маблағ фаолиятни кенгайтириш ва янги иш ўринлари ташкил этишға замин яратди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят солиқ идоралари ходимлари томонидан 2636 та корхона раҳбари ва бош ҳисобчиларига амалий ёрдам кўрсатилди. Ушбу жараёнда ойлик ва чораклик ҳисоботларини электрон тарзда юбориш, онлайн назорат-касса машинасидан тўғри фойдаланиш бўйича тавсиялар, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ва имтиёзлар хусусида тушунчалар берилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига банкдан кредит олишда кўмаклашилди. Жумладан, “Golden food group ra” кўшма корхонаси ва “Golden cake group” масъулияти чекланган жамиятиға 6 миллиард сўмлик банк кредити ажратилди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати.

Қайд этилган маҳаллаларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида кенг кўламли ишлар белгиланган. Жамоатчилик эшитишда бу борада аниқланган айрим муаммоли ҳолатлар муҳокама қилинди.

белгиланган. Мониторингда аниқланишича, дастур доирасида маҳаллаларда муайян ишлар амалға оширилган. Бирок, Мингтепа маҳалласида 2 та автобекат куриш назарда тутилган бўлса-да бугунги кунға қурилмаган. Негаки, тегишли ташкилотлардан рухсат олган ташаббускорларға туман ҳокимлиги томонидан бекат куриш учун бошқа жой тавсия қилин-

фойдали бўлишини қайд этди. Ийгилишда бу каби таклифлар билан бирға қайд этилган муаммоли масалалар юзасидан туман мутасаддиларининг аниқ жавоблари олинди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида амалға оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан зарур чоралар белгиланди. Жамоатчилик мониторинги даво-

МИНГТЕПА ВА ХЎЖАМАЗГИЛ МАҲАЛЛАЛАРИ ҚАЧОН ОБОД БЎЛАДИ?

Булунғурлик мутасаддилар ҳолат юзасидан жамоатчилик саволларига жавоб берди?

Икки маҳаллада 18,9 километр ички йўллар, 9,5 километр ичимлик суви ва оқова сув тизими таъмирланиши, 4,4 километр электр узатиш тармоқлари ва 2 та трансформатор янгиланиши режалаштирилган. Шунингдек, 4 километр ирригация ва мелиорация объектилари яхшиланиши, 3 километр пиёдалар йўлаклари қурилиши кўзда тутилган. Маҳаллалардаги умумий ўрта таълим мактаблари биноларини мукамал таъмирлаш ва кўшимча бино қуриш

ган. Шунингдек, 1,5 километр пиёдалар йўлагининг 830 метри қинғир-қийшиқ ҳолатда қурилган.

Бирлик қишлоғидаги дастур доирасида асфальт ётқизишли лозим бўлган йўлнинг 2,7 километр қисми, аҳолининг фикрича, ёмон ҳолатда эмас. Маҳалла раиси ва ҳудуддан туман Кенгашиға сайланган депутат йўлнинг баъзи жойларини (500 метр) таъмирлаб, қишлоқни айланиб келувчи тупроқ йўлга тош тўшаб асфальт қилинса халқ учун

мида аниқланган масалалар тегишли тартибда вилоят ҳокимлиги ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига киритилади.

Бу каби жамоатчилик назорати тадбирлари жойлардаги камчиликларни кўрсатиш ёки танқид қилиш эмас, қўйилган вазифаларни ўз вақтида, лозим даражада ижро этилишини таъминлашға кўмаклашға қаратилган.

“Юсалиш” умуммиллий ҳаракати вилоят бўлини маси.

Сайлов қонунчилиги бузилса, иш судда кўриб чиқилади

Жорий йил октябрь ойида мамлакатимизда Президент сайлови бўлиб ўтади. Қайд этиш лозимки, мазкур жараён илк маротаба янги Сайлов кодексига мувофиқ ўтказилади.

Сайловға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очиклик ва шаффофлик тамойилларига таянган ҳолда ўтказилиши учун шу йил 31 майда “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгариш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Қонун билан Сайлов кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилди. Хусусан, манфаатдор шахс сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судға шикоят қилиши мумкин. Эслатиб ўтиш лозим, аввал юқоридаги ҳолатда судға ёки юқори турувчи сайлов комиссиясига муурожаат қилиш мумкин эди.

Албатта, бунда манфаатдор шахс номзод кўрсатган сиёсий партиялар органлари, номзодлари, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар бўлиши ҳам мумкин.

Шу ўринда савол туғилиши табиий – сайлов қонунчилигини бузганлик учун қандай жавобгарликлар бора?

Сайловға оид ҳуқуқбузарликлар учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда алоҳида боб ажратилган. Сайлов

ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик бўлимда 9 та ҳолат бўйича маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Шунингдек, Жиноят кодексида ҳам сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида нормалар мавжуд. Жумладан, Жиноят кодексининг 146-моддасида сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун, 147-моддасида эса сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалға оширилишиға тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Бундан ташқари, Сайлов кодексининг 96-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Қонунчилик палатасига сайловни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Бу қарор устидан сайлов аяқлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

З.КАРИМОВ,
Самарқанд туманлараро маъмурий суди раиси.

Инсофсиз рақобат нима?

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш асосий ўринни эгаллайди. Бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришға, субъектнинг илмий-техник ютуқларини жорий этишға ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишға ундайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳалол рақобат муҳити шакланган шароитда кенг ривожланади. Бирок бундай кураш ҳар доим ҳам инсофли йўллар билан олиб борилмайди. Шу сабабли, бозор муносабатлари шароитида “Инсофсиз рақобат” тушунчаси кўп қўлланилмоқда.

“Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига асосан инсофсиз рақобат хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалға оширишда афзалликларға эға бўлишға қаратилган. Қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларға (рақобатчиларға) зарар, ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатлар деб эътироф этилган. Мазкур қонуннинг 13-моддасига асосан инсофсиз рақобат тақиқланган.

Инсофсиз рақобатда товарни хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товар белгисига, фирма номиға ўхшаш бўлган белгидан ўзининг товарлари, этикеткалари, ўровларда жойлаштириш мумкин эмас. Сотилаётган ёки фуқаролик муомаласига ўзгача тарзда киритилаётган товарларға нисбатан товар белгисидан бошқача тарзда фойдаланиш ҳам ғайриқонуний ҳисобланади.

Инсофсиз рақобат масалаларини кўриб чиқиш ва бартара

раф этиш монополияға қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалға оширилади. Шундай бўлса-да, инсофсиз рақобат билан боғлиқ муурожаатлар йил сайин ортиб бормоқда.

Жумладан, қурилиш махсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий бошқармаға “Бухорогипс” МЧЖ шаклидаги кўшма корхона томонидан муурожаат тушди. Унда Нарпай туманида жойлашган тадбиркорлик субъекти “Бухорогипс” МЧЖ ҚКға тегишли бўлган “ROTBAND” товар белгисидан ноқонуний фойдаланган ҳолда сувоқ махсулоти ишлаб чиқариб сотганилиги билдирилган. Ўзгача даражада тадбиркорлик субъекти томонидан ишлаб чиқарилган махсулотларда айнан “Бухорогипс” АЖ ҚКға тегишли бўлган “ROTBAND” товар белгисидан фойдаланилаётганлиги аниқланган.

Ҳудудий бошқармаға дори воситалари ишлаб чиқарувчи “INNOTECH PARTNERS” МЧЖ муурожаат қилиб, “Easycol” ва “Easycol Baby” номли товар белгиларига Интеллектуал мулк агентлиги томонидан гувоҳнома берилган бўлса-да, Нарпай туманидаги тадбиркорлик субъекти ўзи ишлаб чиқарган дори воситалари қадоқларида “INNOTECH PARTNERS” МЧЖға тегишли бўлган товар белгиларига ўхшаш белгилардан фойдаланганлигини маълум қилди.



“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқиш жой номлари тўғрисида”ги қонунға асосан, товар белгисининг эгаси товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқига эға. Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдоға таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш, деб эътироф этилади.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича ҳудудий бошқарма томонидан инсофсиз рақобатға йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектларға нисбатан белгиланган тартибда иш кўзғатилди. Ишни кўриб чиқиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг хатти-ҳаракатлари бошқа бозор иштирокчиларига нисбатан инсофсиз деб тан олиниб, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганилиги бўйича тегишли тартибда қарор қабул қилинди.

Азамат ҲАМОҚУЛОВ,
Монополияға қарши курашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи.

Энг яхши лойиҳаларга 31 миллион сўм

Вилоят ҳокимлигида халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан эълон қилинган “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш” мавзусидаги давлат гранти 1-тур танлови ғолибларига сертификат топширилди.

Шундан сўнг вилоят матбуот уйида мазкур грант танловининг 1-тур якуни ҳамда 2- ва 3-тур танлови бошланишига бағишланган брифинг ўтказилди.

Унда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг жамиятимиздаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган танловнинг аҳамияти, унга келиб тушган лойиҳалар, 1-тур натижалари, кейинги тур танловлари ҳақида маълумот берилди.

- Танловда барча нодавлат нотижорат

ташкилотларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш, улар лойиҳасини амалга оширишга кўмак бериш мақсадида вилоят маркази ва туманларда семинар-тренинглари, тушунтиришлар олиб бордик, - дейди Миллий Ассоциация ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси Фотех Раҳматов. - Натижада танлов якунига кўра, 734 миллион сўмлик 24 та грант лойиҳаси келиб тушди. Улар орасида 10 та лойиҳа ишчи гуруҳи томонидан ижобий деб баҳоланиб, ушбу лойиҳани амалга оширишлари учун уларга

28-31 миллион сўмдан грант ажратилди.

- Чекка қишлоқлар ва маҳаллаларда китобсеварлар кўпчилиكنи ташкил этади, - дейди Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди Оқдарё туман муассасаси раҳбари Ойгул Маматова. - Биз маҳалла аҳолисини китобхонликка жалб этиш, уларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида “Ёш китобхонлар амфитеатри”ни очиш ҳамда театр ҳузурида “Халқ кутубхонаси” номли электрон кутубхона фаолиятини ташкил этиш бўйича ўз лойиҳамизни тақдим қилдик ва

танлов ғолиби бўлдик.

Шунингдек, брифингда Жамоат фонди томонидан “Жамиятда инсон ҳуқуқлари ва мулоқот маданиятини юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллигини ошириш” номли 2-тур ҳамда “Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, маҳалла ҳамда оилаларда соғлом турмуш тарзини ва аҳоли соғлигини мустаҳкамлашда жамоатчиликни кенг жалб қилиш” номли 3-тур танловлари эълон қилингани ҳақида маълумот берилди.

Президентимизнинг 2021 йил 15-16 апрель кунлари вилоятимизга ташириш давомида берган топшириғига биноан вилоят ҳокими томонидан жорий йил 27 майда «Самарқанд вилояти ҳудудларида экологик мобил назорат постларини ташкил қилиш тўғрисида» қарор қабул қилинган эди.

Унга кўра, вилоят миқёсидаги туман ва шаҳар йўлларида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газлар миқдорини камайтириш ва назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ қилиш кўзда тутилган эди.

Қарор асосида вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан 3 та «Дамас» русумли автомашина келтирилиб, ҳавонинг ифлосла-

Экопостлар ташкил этилади

ниши, намлик даражаси, шунингдек, 16 тургача бўлган ингибриентларни ўлчаш ва ҳисоблаб бориш имконига эга бўлган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда.

- Вилоятимиз ҳудудидаги автомобиль йўлларида автотранспорт воситаларидан ташланаётган ис газини (СО) миқдорининг экологик мослигини махсус асбоб-ускуналар ёрдамида аниқлаб, доимий равишда назорат қилиб бориш зарур, - дейди вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи Тўраҳон Ҳошимов. - Бунинг учун ис газини ва тутун миқдорларини белгиланган нормалардан юқори бўлган жойларни аниқлаб блок-пост, тўсиқ-пост ҳамда мобил-экипаж постлари ташкил этилмоқда. Тез орада мазкур махсус автомашиналар вилоятимизнинг чегара ҳудудларида ташкил этилган 3 та экопостга юборилади. Шунингдек, вилоят

тимизнинг қолган туман ва шаҳарларида махсус мобил эконазорат машинаси ҳаракатланиши кўзда тутилмоқда.

Вилоятнинг учта ҳудудида ташкил этиладиган экологик мобил назорат пунктлари ис газини (СО), тутун даражаси ҳамда меъёрдан ортиқ зарарли чиқиндиларни аниқловчи махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Жумладан, халқаро аҳамиятга эга бўлган М-39 автомобиль йўлида жойлашган “Юқори нуқта” ҳамда “Омонқўтон” мунтазам йўл патруль хизмати масканларида ташкил этиладиган блок-пост, тўсиқ-пост ҳамда мобил-экипаж постларига вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассислари жалб этилади.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

Жойларда тиббий кўрикларни ташкил этиш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Чунки чекка туманларнинг маҳалла ва қишлоқларида яшовчилар ҳар доим ҳам вилоят марказига ёки пойтахтдаги шифохоналарга бориб даволанишга имкон топа олишмайди.

Нарпайга Тошкентдан шифокорлар келди



Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази бош врачини Н.Парпиева раҳбарлигидаги малакали шифокор-мутахассислар Нарпай туман аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди.

- Пойтахтдан келган олий тоифали мутахассисларга туман аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказишда маҳаллий шифокорлар ҳам яқиндан ёрдам берди, - дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Г.Эргашев. - Турли юқумли ва сунункали касалликларга чалинган фуқаролар тиббий маслаҳат ва тавсиялар олди. Шунингдек, врачларимиз тошкентлик шифокорлардан беморларни электрон рўйхатга олиш, кўрик ташкил этиш, профилактика ишларини олиб бориш, даволаш юзасидан тажриба ўрганди.

Тиббий кўрикларда касаллик аниқланган юздан зиёд беморларга вилоят ва республика шифохоналарида даволанишлари учун ордерлар ажратилди.

Тоҳир НОРҚУЛОВ.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada ikki marta - chorhanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти бош ўқув биноси жойлашган ҳудудда 20 йил муддатга шартнома тузиб, бинонинг биринчи ва иккинчи қаватини бизнес учун (кўнгилочар хизматдан ташқари) тадбиркорга ўзи ишлатиши учун бериш, юқори қаватларида арзон турар жой (хостел) ташкил этиш шартлари билан давлат-хусусий шериклик асосида 400 ўринли талабалар турар жойини қуришни таклиф этади.

ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ!

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг Самарқанд тумани Миронқул қишлоғида жойлашган ёзги дам олиш маскани ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида 20 йил муддатга шартнома тузиб, ҳамкорликда кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишни таклиф этади.

Ҳозирги вақтда институт ходимлари йилнинг баҳор ва ёз ойларида масканга қисқа муддатли дам олишлари учун, талабалар эса ёзги дала амалиётларини ўтказиш учун борадилар.

Маскан ҳудудидан фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида институт маъмурияти ҳудудда кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун туман тадбиркорларини ҳамкорликка қаҳиради.

Мурожаат учун телефонлар:

66-237-18-78, 97-928-25-33, 91-527-10-47.



ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд вилоят адлия бошқармасидан 2015 йил 3 июлда 174 реестр рақами билан рўйхатга олинган Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари қасаба уюшмаси Ургут туман кенгаши тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Кенгашнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Ургут шаҳарчаси Навоий шоҳқўчаси, 201-уй.

Кенгашнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 202715369.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Зубайдуллаева Гулчехра Садуллаевнага (2016 йил 20 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Ҳакимов Акмал Терслановичга (2020 йил 5 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносиди.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Маматқўлов Аббас Болбекович нотариал идорасида марҳум Сиди-

ков Сафар Авазовичга (2018 йил 8 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқўлов Аббас Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасида марҳум Қосимов Ибрагим Сондибековичга (2020 йил 31 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Негматов Наймга (1995 йил 20 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасида марҳум Хайдаров Маъруф Бурановичга (2021 йил 1 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тойлоқ арготадбиркорлик касб-хунар коллежидан 2014 йилда Рўзиева Мадина Абдухалиқ қизи номига берилган рўйхат рақами 444, К № 3235447 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 45-сонли айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактабдан 2009 йилда Абдирахмонов Бекзод Махсуд ўғли номига берилган О'Р-Ш № 0959077 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 24-ўрта мактабдан 1991 йилда Ташпулатова Дилором Ҳакимовна номига берилган А № 377155 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Андақулова Шаҳризода Юсуфжон қизи номига берилган УМ № 0539345 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 2001 йилда Набиева Мадина Равшановна номига берилган рўйхат рақами 1222, В № 093760 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Абдурахмонов Дониёр Дилшодович номига берилган ТМ № 0203512 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 36-умумий ўрта таълим мактабидан 1996 йилда Абдумуродов Илҳом Адашович номига берилган УЗС № 020408

ИЖАРАГА ЖОЙ КЕРАКМИ?

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси Самарқанд вилояти бўйича қуйидаги объектлар ижарага берилишини маълум қилади:

Т/р	Балансда сақловчининг номи	Ижарага берилаётган майдон (кв.м.)	Фойдаланиш мақсади	Ижарага берилаётган объект манзили
1	Паст Дарғом Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми	46	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	Паст Дарғом тумани Олмасор МФЙ
2	Тойлоқ туман ҳокимлиги	44	Тикувчилик цехи	Тойлоқ тумани Олмасор МФЙ, 1-сектор
3	Самарқанд шаҳри Ҳасан Обиддинов кўчаси, 7-уй	64	Лабораториялар	Самарқанд шаҳри Ҳасан Обиддинов кўчаси, 7-уй
4	Самарқанд шаҳри Ҳасан Обиддинов кўчаси, 7-уй	64	Лабораториялар	Самарқанд шаҳри Ҳасан Обиддинов кўчаси, 7-уй
5	Самарқанд шаҳри Ҳасан Обиддинов кўчаси, 7-уй	54	Лабораториялар	Самарқанд шаҳри Ҳасан Обиддинов кўчаси, 7-уй
6	Ургут туман халқ таълими бўлими	170	Мактабдан ташқари тарбия	Ургут тумани Дўстлик маҳалласи, Навоий шоҳқўчаси, 8-уй
7	Самарқанд вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси	84	Чакана савдо	Самарқанд шаҳри Алишер Навоий кўчаси, 48-уй
8	Самарқанд транспорт коллежи	331	Олий ва ўрта-махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳқўчаси, 270-уй
Жами		857		

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳқўчаси, 157-“А” уй. Тел/факс: 66-233-23-52.

рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейдан 2015 йилда Амруллаев Суннатulloҳ Азамат ўғли номига берилган рўйхат рақами 180, L № 239133 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттакўрғон туманидаги 15-ўрта мактабдан 1994 йилда Умаров Фуқрат Мирхоневичга берилган А № 632793 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттакўрғон туманидаги 32-ўрта мактабдан 1991 йилда Салиев Бахтияр Ходжиевич номига берилган А № 306600 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 13-ўрта мактабдан 1976 йилда Салиев Бахтияр Ходжиевич номига берилган Б № 008729 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 20-ўрта мактабдан 1982 йилда Мукумова (ҳозирда Салиева) Фирюза Асадовна номига берилган Д № 143489 рақамли саккиз йиллик маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ!
«Зарафшон» газетасининг 2021 йил 15 июнь 69-сонини 3-саҳифасида «Бекор қилинади» сарлавҳаси остида Паст Дарғом тумани Чандир иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежидан 2018 йилда Мухторов Ҳусан Учқун ўғли номига берилган рўйхат рақами 741, К № 5140341 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор

қилиниши ҳақида эълон чоп этилганди. Диплом топилганлиги сабабли, ушбу эълон ҳақиқий ҳисобланмайди.

ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Фуқаро Йўлдошева Сарвиноз Сайфидин қизининг фуқаролик паспорти (АВ 5556962 15.10.2016 йилда Қўшработ туман ИИБ томонидан берилган) Қўшработ тумани ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99894-281-13-64.

Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасидан Эрматов Мирзопулот Эсанмуродовичга берилган пенсия гувоҳномаси Тойлоқ тумани ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99893-339-74-75.

Самарқанд шаҳар «Сиёб» адвокатлар ҳайъати жамоаси ҳайъат адвокати Истам Ашуровга отаси **Мухтор АШУРОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Оқдарё туман ободонлаштириш бўлими жамоаси бўлим муҳандиси Саид Хайдаровга турмуш ўртоғи **Махфуза АҲМАДЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат университети академик лицейи жамоаси лицей директорининг молия-иқтисод ишлари бўйича ўринбосари Зиёдулло Хайитовга акиси **Норит ҲАЙИТОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Энг улуг, энг азиз» республика танлови эълон қилинди

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ўзувчилар уюшмаси, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ҳамда Бадий академия мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» республика танловини эълон қилади.

Танловга «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган асарлар-материаллар қабул қилинади.

«Энг улуг, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- интернет-журналистика;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот (объективка);
- муаллифнинг паспорт нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғлианиш телефонлари.

Танловга 2020 йилнинг 1 августидан 2021 йилнинг 1 августигача бўлган даврда эълон қилинган материаллар – асарлар жорий йилнинг 1 августига қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами арафасида мукофотланади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда ўз ижодий йўналишлари бўйича қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 100011. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: 71- 244-64-61.

Ўзбекистон «Тасвирий ойна» уюшмаси, 100011. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: 71- 244-11-64.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, 100066, Тошкент шаҳри, Бунёдор кўчаси, Адиллар хиббони. Тел.: 71--231-83-49.

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги, 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси 1 «А» уй. Тел.: 71-277-81-49.

Самарқанд ўзининг бой тарихи ва меъморий ёдгорликлари билан дунёда машхур. Самарқанднинг Регистон ансамбли шарқ меъморчилигининг барча жозибасини ўзида мужассам этган бебаҳо иншоотдир.

Регистон мажмуаси Мирзо Улуғбек мадрасаси (1417-1420 йил), Шердор мадрасаси (1619-1636 йиллар) ва Тиллақори масжид-мадрасалари (1647-1660 йиллар)дан ташкил топган бўлиб, амалда ер участкасининг майдони 6 гектар, шу жумладан, қурилиш остидаги майдони 1 гектардан иборатдир.

Мажмуадаги Шердор мадрасасининг ташқи деворлари хараба ҳолга келиб қолгани сабабли 1991 йилдан 1993 йилгача унинг ташқи деворининг шарқий томони рангли сирли қошинлар билан қайта тикланди. Бундан ташқари, унинг бошқа безатилган фасад қисмининг 80 фоизи қайтадан таъмирланди.

1994 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва ЮНЕСКО ташкилотининг ташаббуси билан Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш режалаштирилди. Унга мувофиқ, Мирзо Улуғбек билан боғлиқ барча тарихий обидаларда таъмирлаш, реставрация қилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилиши керак эди. Шу жумладан, Регистон ансамблининг Мирзо Улуғбек мадрасасида ҳам кенг қўламли таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш белгиланди. Мадраса ўша даврда жуда ночор ҳолатда эди. Самарқанд шаҳри сейсмик зонада жойлашганлиги сабабли бу ерда бўлиб турадиган ер силкинишлари, иссиқ иқлим шароити, кучли шамол таъсирида минораларнинг тебранишлари ва бошқа ташқи муҳит таъсирлари оқибатида мадрасанинг иккинчи қавати бутунлай вайрона ҳолатга келиб қолган эди. Мадрасани комплекс таъмирлаш ишларига республикаимизнинг Хоразм, Фарғона, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидан келган 250 нафардан ортиқ таъмирловчи усталар ишга жалб қилинди. Бу ишларга бош меъморлар Рафаэл Эшмухамедов ва Эгамберди Нуруллаевлар бош бўлишди, улар лойиҳага кўра ҳовлидаги пештоқ ва ҳужраларини реконструкция қилиб, қайта бунёд этди.

Ҳозиргача ташриф буюрадиган зиёратчи ва сайёҳларни қизиқтирадиган саволлардан бири бу мадрасалардаги тарновлардан оқиб келган қор-ёғмир сувларининг қаерга кетишидир. Ўша йилларда Мирзо Улуғбек мадрасаси ҳовлиси ўртасидаги сув тортадиган қудуқни ўрганиш давомида унинг чуқурлиги 16,5 метр, диаметри 2,2 метр эканлиги маълум бўлди. Қудуқнинг атрофи тўртбурчак гишт билан терилган бўлиб, ҳар икки метрда гиштли безаклар билан безатилган эди. Йиллар давомида туپроқ ва ҳар хил чикиндилар келиб қуйилиши натижасида қудуқнинг туби кўринмай, унинг тўлишига 170 см қолган эди. Шунда усталар қудуқни тозалаб, ғишт деворларини қайтадан таъмирлаб, сувни қочириш мақсадида қудуқнинг паст даражасида 2,5 метрли

Регистонни келажак авлодга асл ҳолида етказиб беришимиз керак



қисмини конус шаклида териб, тўрт томонидан тешиқлар қўйди.

2001 йилда “Маданий мерос объектлари-ни муҳофаз қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. 2004-2006 йиллар давомида Германиянинг Потсдам қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектур-қурилиш институти мутахассисларининг тавсияси ва грантига асосан Тиллақори мадрасаси масжидининг гумбазиги оғирлигини инobatга олиб, ҳамда пойдеворлари чўкишининг олдини олиш мақсадида, масжиднинг икки кириш томонида ҳозирги саҳндан 12 метр чуқурликда жойлашган қумли қатламгача қудуқлар қазиб, темир-бетон қоришмасидан “этикча” қўйилди. Ажабланарлиси, жанубий-шарқий қудуқнинг 3 метр чуқурлигидан археологик топилмалар, яъни 60 га яқин сопол идиш бўлақлари ва мадраса-иншоотларнинг фасадда ишлатилган ўйма декоратив қисмлари топилган. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, топилмалар XV-XVI асрларга тааллуқли. Ҳозирги кунда ушбу топилмалар Тиллақори масжидида яратилган “Самарқанд тарихий суратларда” номли кўргазмадан ўрин олган. Демак, ушбу топилмалар шундан дарак берадики, Тиллақори мадраса-масжиди Улуғбек томонидан XV асрда қурилган Қарвонсаройнинг пойдевори устидан барпо қилинган экан.

2012 йилда Республикаимизда маданий мерос объектларини таъмирлаш ва консервация қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган режага асосан, Шердор мадрасасининг ички ҳовлисидаги катта тўрт пештоқларни таъмирлаш белгиланган эди. Ўша даврда ушбу мукамал ишни комиссия кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган Баҳрилло Абдулло-

ев раҳбарлигидаги “Самарқанд-Таъмир” корхонасига топширди. 2015 йилгача давом этган ушбу кенг қўламли таъмирлаш ишлари давомида пештоқларнинг араб ёзувларини тиклашда самарқандлик машхур хаттот Абдужалил Эргашевнинг ижодий хизматлари беқиёсдир.

Бундан ташқари, 2013 йилда Регистон ансамбли Шердор мадрасасининг иккала катта қовурғали гумбазлари сирланган қошинлар билан таъмирланди.

2014 йилга келиб, Регистон майдонида кўпгина нуфузли оммавий тадбирлар ўтказилиши муносабати билан майдон сатҳи янги лойиҳа асосида қайта қурилди. Энг катта ютуқлардан бири бу майдон ўт-газонлардан иборат гулхоналардан тозаланиб, катта қайроқ тошлардан иборат майдон ўрнига замонавий сув оқова тизими яратилиб, гранит тош терилди.

Регистон мажмуасида сайёҳларнинг кеч-ки бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун 2015 йилда Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган 3D шаклидаги Самарқанд тарихига бағишланган нурли-овозли шоу тизими ўрнатилди. Бундан ташқари, Регистон мажмуасининг 2020 йилда янги ишлаб чиқилган веб-сайти www.registan.uz манзили билан интернет тармоғига жойлаштирилди. Ушбу веб-сайтта Регистон мажмуаси тарихий обидалари ҳақидаги маълумотлар, суратлар, бу ерда бўлаётган кундалик янгиликлар, ўтказилаётган тадбирлар, тарихий ва замонавий фотосуратлар галереяси, мажмуага доир илмий китоблар, мақолалар, маърузалар жой олган.

Ҳозирги кунда Регистон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш мустақил дирекциясининг олдида турган асосий муаммолардан бири бу XV-XVII асрнинг ноёб дурдоналаридан бўлган Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларини мукамал таъмирлаш масаласидир. Сабаби, ушбу обидаларнинг баъзи жойлари намлик, иссиқлик ва шамол таъсирида хавфли ҳолатга келиб қолган.

Мақсадимиз - аждодларимиздан мерос бўлиб, шарқ меъморчилигининг барча жозибасини ўзида мужассам этган меъморий ёдгорлик, яъни халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган Регистон ансамблини келажак авлодга асл ҳолида етказиб беришдан иборат.

Хонкул САМАРОВ,
Регистон ансамбли директори.
Азамат САМАТОВ,
директор ўринбосари.
Раҳим ҚАЮМОВ,
илмий ходим.



ҲАЖ — улуг ибодат

Ҳаж ислом арконларининг бешинчиси бўлиб иқтисодий имконияти, саломатлиги яхши бўлган мусулмонлар учун умрида муайян бир даврда адо этиладиган фарз амалидир. Ҳаж сафарига тижорат ёки саёхатни кўзлаб эмас, зиммасидаги фарзни адо этиш, гуноҳлардан покланиш учун борилади.



Фикҳий китобларда баён қилинишича бу ибодатни адо этишнинг ният қилган киши бир неча шартларга риоя этиши лозим. Шундагина унга ҳаж фарз бўлади. Булар – балогат ёшида, оқил, соғлом етарли миқдорда маблағга эга бўлишдир. Лекин бу маблағ бориб келгунига қадар оиласининг нафақасидан ташқари бўлиши керак. Шунингдек, йўлнинг очиқ ва хавф-хатарсизлиги ҳам ҳажнинг фарз бўлиши шартларидан. Аёл кишига юқоридаги шартлар билан бирга бирорта маҳрам топилисагина ҳаж фарз бўлади. Қўрғони қаримда ҳажнинг фарзлиги ҳақидаги оятда шундай дейилган: “Йўлга қодир бўлган киши зиммасида Қодир учун Байтни ҳақ қилиш (фарзи) бордир” (Оли Имрон сураси, 97-оят).

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан “Йўлга қодир бўлиш нима?” деб сўралганда у зот “Йўл учун етали маблағ ҳамда улов-дир” деб жавоб берганлар. Шундан маълум бўладики, ҳаж молиявий ҳамда баданӣ ибодатдир. Ҳаж ама-

лини бажаришдан аввал киши унга ҳаж бўлган арконларни мукамал тарзда адо этиб келадиган бўлиши, юксак такво ҳосил қилиши лозим.

Ҳаж амаллари ўзининг буюқ фазилатлари билан ажралиб туради. Унинг рукнлари махсус жой, яъни Қуръон нозил бўлган маконларда ва пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом қадамлари этган улуг заминда адо этилади.

Ҳаж ибодати кўпроқ саяё-ҳаракат билан адо этиладиган ибодатдир. Бунда ҳожи Муаззам Каъбани таовф қилиши, Сафо ва Марва оралигида юриши, Жамаротда тош отиши, Арофат ва Мина водийларида бўлиши каби вазифаларни адо этади. Бу ҳаждан улкан матонат ва сабр талаб қилади.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан ворид бўлган бир ривоятда у зотнинг шогирдлари Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳнинг айтишича, барча шарт-шароитлари топилиб, зиммасига ҳаж фарз бўлган киши ҳаж қилишни кейинги йилларга

кечиктириши жоиз. Бунга далил пайғамбаримиз ҳаж фарз бўлган йили ўзлари ҳажга бормаё ўринларига Абу Бакр Сиддиқ розиёллоҳу анҳун-и юбориб, ўзлари умрининг охириги йили ҳаж қилдилар.

Аллоҳ таолонинг “Ҳар қандай яхши иш қилсангиз албатта, уни Аллоҳ билур” деган оятидан умид қилган ҳолда ўзига тўқ кишилар ҳажга бориш имкони бўлмаган бугунги шароитда маблағларидан етим-есир ва муҳтожларга манфаат келтирса, катта савобга эришади.

Икки йилдирки коронавирус пандемияси сабабли юртдошларимиз бу муборак ибодатни адо этиш имкониятига эга бўлмай турибдилар. Ният қиламиз, бу балолар инсоният бошидан тезроқ кўтарилиб, барча мусулмонларга муқаддас ҳаж ва умра зиёратларини амалга ошириш насиб этсин.

Саид-Жамол Мир-Жафаров,
СамДУ арабшунос,
шарқшунос олими.

Пахтачи тумани ҳокими аъло баҳоларга ўқиб, мактабни олтин ва қумуш медаллар билан битирган бир гуруҳ битирувчиларни тақдирлади. 2021-2022 ўқув йилида тумандаги мактаб битирувчиларидан 29 нафари олтин, 4 нафари қумуш медаль соҳиби бўлди. Тақдирлаш маросимида ота-оналар ҳам қатнашди.



Мафтуна мактабни олтин медаль билан битирди

- Қизим Мафтуна Темирова бу йил тумандаги 20-умумий ўрта таълим мактабни олтин медаль билан битирди, - деди Зиёвуддин шаҳарчасида истиқомат қилувчи Феруза Темирова. – Бундан жуда қувондим. Икки йил олдин катта қизим ҳам мактабни олтин медаль билан битирганди. Ҳозир у Андижон давлат университети талабаси. Фарзандларимнинг ўқишини доим назорат қилиб тураман.

Мафтуна барча фанлардан аъло

баҳоларга ўқиди ва опаси каби у ҳам олтин медалга лойиқ деб топилди. Орзуси она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлиш, шу мақсадда олий таълим муассасасига ўқишга киришга тайёрланмокда.

Тумандаги аълочи битирувчиларнинг кўпчилиги оддий оила фарзандлари экан. Уларнинг бундай ютуқни қўлга киритишида Феруза опа каби оналарнинг ҳиссаси катта.

Чарос ЖОЗИЛОВА.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

- 15 ИЮЛЬ**
Иноятулла СУВОНҚУЛОВ - (1934-2012) Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида туғилган. Филология фанлари доктори.
Зулфия МҶМИНОВА - 1959 йилда Нарпай туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира.
- 18 ИЮЛЬ**
Розия ТОЖИЕВА – 1973 йилда Паст Дарғом туманида туғилган. Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси.
- 19 ИЮЛЬ**
Дамир САЛИМОВ – 1937 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.
- 20 ИЮЛЬ**
Эркин ҚАЙТАРОВ – 1958 йилда Пайариқ туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2011 йил, декабрь

26 декабрь куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Хусан Абжаев Булунғур тумани ҳокими этиб тайинланди.

Самарқандда “JV MAN Auto-Uzbekistan” қўшма корхонасининг “MAN” дилерлик ва сервис маркази иш бошлади.

2012 йил, январь

Вилоят маҳаллий бюджетининг 2012 йилги харажатлари 1 триллион 296 миллиард 400 миллион сўмдан зиёдн ташкил этган. Бунда таълим тизимига жами бюджет харажатларининг 56 фоизи миқдориди маблағ ажратилган.

23 январь куни вилоят ҳокими З.Мирзаевнинг қарорига кўра, Сайдахмат Раззақов Каттакўрғон шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Жорий йилдан бошлаб вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ҳар ойнинг тўртинчи ҳафтаси соғломлаштириш ҳафталиғи деб эълон қилинди.

февраль

14 февраль куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Воҳид Раҳимов вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

апрель

2012 йилнинг биринчи чорағида вилоятда ялпи ҳудудий махсулот 10,6 фоизга ошди.

май

Самарқанд туманида паррандачиликка ихтисослашган “Меҳр саодати” Ўзбекистон–Кипр қўшма корхонаси фаолият бошлади.

июль

Жорий йилда вилоят ғаллақорлари 650 минг тоннага яқин сара дон етиштирди.

август

Вилоятда 2012 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастурига кўра, ўтган олти ой мобайнида 95 та хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилиб, 266 та шохобча ташкил этилди.

сентябрь

26 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида Жанубий Кореянинг “Samsung Electronics” компанияси мобил маркази очилди.

октябрь

Вилоят пахтакорлари давлатга 230 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси топширди.

